MILLIY KITOB PALATASI
INV №

ИНСОН ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ — УЛУҒ

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 9-may, chorshanba, 19(402)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Халқимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонламоқда. Мустақиллик инъоми, Президентимиз Фармони ила қалбимиз тўридан жой олган бу кун ўтганларни хотирлаб, тирикларни қадрлаш мезонига айланди. Умумхалқ байрами сифатида уни 1999 йилдан буён ҳар йили нишонлаб келаяпмиз.

Анъанага айланган бу байрам бизга нимаси билан қадрли? Аввало, ўтганларни ёд этиб, тирикларни қадрлашга бўлган эътибори билан. Ахир, бу дориломон кунларга осонликча етганимиз йўқ. Халқимизнинг асл фарзандлари истиқлолни бир умр орзу қилиб ўтди, озодлик учун курашди. Бугун уларнинг пок ниятлари амалга ошиб, 15 йилдан буён ҳур, озодмиз. Сафимизда не-не оғир кунларни кўрган отахон-онахонлар, жанггоҳлардан омон қайтган кексалар, умр бўйи элга хизмати синган ёши улуғ кишилар бор. Уларнинг матонати ва жасорати, ибратли ҳаёти ҳаммамиз учун ўчмас маёқдир. Худди шунингдек, бу нурли кунлар умидида жон олиб, жон берган, урушларни кўрган, юрт равнақи, ободлиги учун умр бўйи ҳалол меҳнат қилган не-не азиз инсонларнинг мўътабар номлари ҳам бугун ёдга олиниб, хотираси эъзозланади. Ўтганларнинг руҳи шод этилади. Сафимиздаги мўътабар инсонлар эса қадрланади. Уларга давраларимиз тўридан жой берамиз. 9 май — биз учун шундай қадрли байрам.

Бугун мамлакатимизнинг бош майдони узра сайр этиб, Мустақиллик ва эзгулик монументларини зиёрат қилган юртдошларимиз Хотира майдонига ҳам ташриф буюришмоқда. Бу ерда улар ўтганларни ёдга олишиб, ҳақларига дуо айлашаяпти. Сўнмас хотираларини эъзозлашмоқда. Бу ҳам бағри кенг халқимиздаги гўзал фазилат, олижаноб туйғуларнинг биридир.

Эътироф

«ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...»

Ҳар йили тўққизинчи май санасини Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаймиз. Шу кунда Ватан озодлиги ҳамда келажак авлод бахт-саодати учун жон фидо қилганларни эҳтиром билан эслаб, уларнинг руҳларига дуо ўқиб, мислсиз жасоратларини ёд этамиз.

Шубҳасиз, бу бизнинг инсонийлик бурчимиздир. Қайдаки хайрли амалларга риоя этилар экан, ўша ерда Аллоҳнинг барокатлари нур янглиғ ёғилажак. Муқаддас замин — она-Ўзбекистонимиз бундай марҳаматга муносиб юртки, инсон шаъни, инсон қадри ҳамиша шарафланиб келинган. Айниқса, бу удум истиқлолдан сўнг янада кучайди. Қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз халқимизга тўлалигича қайтариб берилди. Натижада жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган миллат ўз қадрини қайта тиклай бошлади. Ўзликни англашга бўлган интилиш кучайди. Ҳазрат Навоийнинг: «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам», — мисралари кундалик шиорга айланди.

Илгари ушбу санани Ғалаба куни деб нишонлардик. Ҳа, фақат нишонлардик. Бунга мавжуд тузум мафкурасига асосланган сиёсат сабаб эди. Унга кўра тарих гувоҳлик берган бир неча ўнлаб миллиондан ортиқ одамнинг ҳалок бўлганлиги эмас, балки қанча қурбонлик бўлмасин, бизга қаршилар устидан ғалаба қилишга қодирмиз деган маъно ётарди. Аммо шаҳид бўлганларни қадрлаш муҳим эмасди. Масалан, жангчилар хотирасига ўрнатилган ҳайкаллар борки, уларнинг тагида: «Номинг номаълум, лекин жасоратинг барҳаёт!» — деган ёзув турарди. Ахир, ўйлаб кўринг, жангга кетган одам номаълум бўладими? Наҳотки, номаълум одамлар азиз Ватани учун шаҳид бўлсалар? Бунинг устига, барча жойларда тантанавор мусиқалар остида байрам шодиёналари ўтказиларди. Кимларгадир пўписа тариқасида энг замонавий ҳарбий техникалар марши намойиш қилинарди. Бундан қандай сиёсий мақсад кўзлангани бугунги кунда ойдинлашмоқда.

Ҳа, ўша пайтларда ғолиблик кучига эътибор берилар-ди-ю, бироқ жангу жадалдан омон чиққан ёки ҳалок бўлганларнинг авлодлар олдидаги қадрига ғам-хўрлик ифодаси кўринмасди.

Шукроналар бўлсинким, истиқлолдан кейингина хайрли ишларга имконият эшиклари очилди. Шу ўринда Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб юритаётган доно сиёсатларини алоҳида қайд этиш лозим. У кишининг саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари билан Бош майдонимизда Хотира майдони бунёд этилди. Унда Мотамсаро она ҳайкалининг ғамгин қиёфаси акс эттирилган. Унинг пойи узра қуйидаги сўзлар битилган: «Сен доим қалбимдасан, жигарим!»

Бу дунёда инсонлар муносабати ўзгариб туради. Аммо одам қадрини юксак тутган замон ва мамлакат ҳамиша улуғланади. Бир мисол, Анор Ўтаганов деган амаким борлигини мустақилликдан кейингина билдим. Нега? Онамнинг гапларига қараганда, отам ўгай укасини роса излаган. Ҳарбий комиссариат орқали нуфузли ташкилотларга ҳам бир неча бор мурожаат қилган. Бироқ у ҳақда бирор-бир маълумотга эга бўлолмаган. Отам биринчи гуруҳ ногирони бўлса-да, укасининг хабарини топмай, армон билан оламдан ўтди. На унинг асир тушганлигини, на қаердалигини ҳеч ким билмади.

...Хотира майдонидаги китобни варақлай бошладим. Юрагим жиз этди. Кўзларимга ёш қалқди. Зарҳал ҳарфлар билан битилган амакимнинг исм-шарифларига тикилиб қолдим: «Анор Ўтаганов — 1918 йилда туғилган, 1943 йилда Ленинград остонасида ҳалок бўлган». Мен бу хабарни яқинларимизга етказдим. Амаким асирга тушган ҳам эмас. У — ҳақиқий жангчи, урушда ҳалок бўлган. Лекин шу нарсалар истиқлолгача маълум қилинса бўлмасмиди?

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши дахл қилмаган хонадон топилмаса керак. Унинг балои офатидан қалбларда қолган жароҳати ҳануз битгани йўқ. Аммо жасур ва фозил фарзандлари бор юрт ҳеч қачон қоқилмайди.

Фақат бугина эмас. Президентимиз бошчилигида халқимиз ота-боболаримиз армонларини рўёбга чиқаришда мустақиллик яратган имкониятдан фойдаланиб, энг аввало, инсон шаънини юқорига кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Шу қутлуғ дамда истиқлолимиз, ёрқин келажагимиз учун шаҳид бўлганлар ҳақига дуо қилиб қоламиз. Илоҳим, юртимиз тинч, элимиз омон бўлсин!..

Муродулла ҒАФУРОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

ТОШКЕНТ – ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» китоб кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда хорижий элчихоналарнинг вакиллари, олимлар, маданият ва санъат арбоблари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, китобхонлар иштирок этди. Кўргазмани Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Усмонхон Алимов кириш сўзи билан очди.

— Бугун мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида бой маданий меросимизни асраш ҳамда тиклашга катта аҳамият берилаётир, — дея таъкидлади муфтий Усмонхон Алимов. — Буюк аждодларимиз, мутафаккирлар, авлиёларнинг маънавий мероси чуқур ўрганилаётганлиги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти — Ислом конференцияси ташкилоти (ISESCO) томонидан жуда одилона баҳоланди. Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мана шу эътиборнинг, ўзбек халқининг ислом маданиятини ривожлантиришга қўшган мислсиз ҳиссасининг эътирофидир.

Кўргазмага кутубхонада сақланаётган Тошкент ва ислом маданияти мавзуини акс эттирадиган 200 дан ортиқ нодир босма ва қўлёзма асарлар тақдим этилган. Мустабид тузум даврида уйида диний китоб сақлашлик кафтда чўғ тутиб туриш билан баробар эди. Ота-боболаримиз бундай нодир қўлёзмаларни қандай қилиб бўлса ҳам келажак



авлодга етказишга ҳаракат қилганлар.

Кутубхонанинг нодир китоблар бўлимида сақланаётган Қуръони каримнинг қадимий нусхалари билан ҳам шу ерда танишиш мумкин. Ушбу Каломи шариф тагига «1969 йил Хадрадаги трамвай депоси биноси бузилган вақтда девор орасидан топилган» деб ёзиб қўйилганлиги ҳам юқоридаги сўзимизнинг исботидир.

Биринчи бўлимдан улуғ ватандошларимиз, алломалар Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик «Ҳадислар»и, Абу Исо Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий» асари, ислом алломалари, замонамиз уламолари ҳақидаги С. М. Ҳотамийнинг «Ислом тафаккури тарихидан», «Ислом илмларининг буюк алломалари», «Ислом энциклопедияси», «Тошкент — ислом маданияти пойтахти», Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», М. А. Жўшаннинг «Ислом: тасаввуф ва ахлоқ» каби бир қанча китоб ва рисолалари жой олган.

Кўргазманинг рамзий иккинчи бўлими бевосита Тошкент ва унинг бой тарихи ҳақида бўлиб, «Тошкент» энциклопедияси, «Қадимги Тошкент», «Тўрт аср олдинги Тошкент», «Кўкалдош мадрасаси», «Бароқхон мадрасаси», «У истоков древней культуры Ташкента», «Памятники зодчества Ташкента» каби қадим Тошкент ҳақидаги нодир китоблардан иборат. Бу асарларда Тошкентнинг энг қадимги давридан бугунги кунигача бўлган кенг қамровли тарихи ёритилган.

Навбатдаги бўлимда мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизда ислом маданий меросини асраш ҳамда ривожлантириш борасида амалга ошираётган улкан ишларини акс эттирувчи китоб ва ноёб асарлар қўйилган. Юртбошимизнинг ислом мамлакатлари давлат бошлиқлари, ислом алломалари билан мулоқотларини акс эттирувчи нашрлар ҳам шу бўлимлардан жой олган.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

АЖДОДЛАРИМИЗ ИБРАТИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Солиқ академияси билан ҳамкорликда Хотира ва қадрлаш байрами арафасида пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида тадбир ўтказди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Солиқ академияси раҳбарлари ва тингловчилари, атоқли ёзувчи ва шоирлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

"Аждодларимиз ибрати» деб номланган йиғилиш иштирокчилари дастлаб ёдгорлик мажмуидаги рамзий сағанага гул қўйишди. ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Х. Дўстмуҳамедов, Солиқ академияси ректори Э. Гадоев, "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси Н. Каримов, партия фаоли Д. Бекжонова сўзга чиқиб, Президентимизнинг ташаббуси билан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши халқимиз маданий-маърифий ҳаётида катта воқеа бўлганлигини сўзлашди. Улар хотира ҳамиша уйғоқ ва муқаддас эканлигини таъкидладилар.

Ҳозир барча вилоят, шаҳар ва туманларда Хотира майдонлари барпо этилган. Ҳамюртларимиз ушбу кунда муқаддас қадамжоларни зиёрат қиладилар, ёшларга аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ҳақида сўзлаб беришади.

Шундан кейин Ўзбекистон ҳалқ шоири Ойдин Ҳожиева, Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби Рустам Мусурмон Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган шеърларини ўқиб бердилар.

Тадбир иштирокчилари "Қатағон қурбонлари хотираси" музейида ҳам бўлиб, юртимиз ўтмишини ҳикоя қилувчи экспозициялар билан батафсил танишдилар.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Марказий кенгаши "Ёшлар қаноти" ва Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида "Ёшлар аудиториясида ахборот таҳлили ва маърифий-ташвиқот йўналишидаги фаолиятнинг хусусиятлари" мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

Партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда "Касб танлашга тайёрман" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Тўрткўл туман кенгаши ташаббуси билан "Аёл ва жиноятчилик" мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Юнусобод туман кенгаши томонидан "Ёш авлодалр — келажагимиз равнақи" мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши ташаббуси билан "Миллий тикланиш — миллат келажаги" мавзуида учрашув уюштирилди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилоят кенгаши томонидан "Фаоллар ташаббуси — ишларимиз омили" мавзуида семинар ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгаши ФЖЎИ ҚҚР филиали билан ҳамкорликда "Сиёсий партия фаолиятини янада жонлантириш йўллари" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Нишон туман кенгаши ташаббуси билан «Хотин-қизларнинг сиёсий партия фаолиятидаги иштироки» мавзуида семинар ташкил этилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Мулоқот

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА ЁШЛАР

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Миллий тикланиш» демократик партияси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда "Глобаллашув жараёнида миллий қадриятлар ва ёшлар" мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзолари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари, сиёсий партиялар "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад глобаллашув жараёнининг мазмуни ва моҳияти, унинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги таъсирини ёшларга тушунтириш, глобаллашув шароитида миллий қадриятларнинг такомиллашуви асосида барқарорликни таъминлаш ҳамда ёшларда миллий ғояга асосланган мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантиришдан иборатдир.

Шунингдек, ушбу анжуманда мазкур жараённинг салбий таъсирлардан ҳимояловчи ғоявий иммунитетни ёшлар онгида шакллантириш ҳам таъкидланди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори ўринбосари А. Ҳамдамов глобаллашув жараёнида миллий қадриятларни асраш ва уни Ватанимиз келажаги бўлган ёш авлод дунёқарашига сингдириб бориш, ёшларни турли хил ташқи ғаразли тажовузлардан ҳимоя қилиш, уларга таълим-тарбия беришда кўпроқ миллий қадриятларга таяниш муҳимлиги ҳақида гапирди.

Тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари С. Олимов, социология фанлари доктори, профессор М. Бекмуродов, педагогика фанлари доктори, профессор С. Бўлатов ҳам қатнашди. Улар миллий менталитетнинг ёшлар дунёқарашига таъсири ҳақида мазмунли маъруза қилишди.

Адиба ФАЙЗ.
Азамат АҲМАД олган суратлар.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

«МАҚСАДИМИЗ — ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ»

— дейди «Бобоқул бобо» фермер хўжалиги раҳбари Эргаш Бобоқулов.

Бу фермер хўжалиги Сурхон воҳасининг қоқ маркази — Қумқўрғонда жойлашган. Эргашбойни нафақат туманда, балки бутун вилоятда "Биринчи фермер" деб ҳурмат қилишади. У дастлаб 1998 йилнинг март ойида "Беш қаҳрамон" ширкат хўжалигидан беш гектар ер олиб фаолият кўрсата бошлаган.

— Яхши ният билан иш юритганимиз тезда ўз самарасини берди. Хўжаликда меҳнат қилаётган тракторчи-ю сувчи, чопиқчи-ю ишчилар ғайратига шижоат қўшилди. Даромадлари ҳам шунга яраша бўлди. Ҳамма ишдан моддий манфаатдорлик ошаётганидан хурсанд. Ер майдонимиз кейинроқ 12 гектарга кенгайди. Ўтган йилга келиб эса 53 гектар майдонга эга бўлдик. Пахта ва ғалладан кўзлангандан ҳам зиёд ҳосил олдик. Умумий даромадимиз 45 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 25 миллиони харажатларга сарф этилган бўлса, қолгани соф фойда. Қўлга киритилган даромадларимиз эвазига ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак бердик. Эҳтиёжмандларга беминнат ёрдам қўлини чўзиш миллатимизнинг олий қадрияти ҳисобланади. Хайру эҳсон бўлмаса, барака бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб, маҳалла аҳлига Наврўз муносабати билан ош тортдик, уларнинг дуосини олдик. 24, 32, 3–мактабларнинг айрим ўқувчиларини газеталарга обуна қилишда ёрдам бердик. "Дўстлик" маҳалласида яшовчи муҳтож оила — Менгтош Аҳмедова оиласига бир бош соғин сигир ҳадя қилдик. Бундай саховат давом этаверади, — дейди фермер.

Эргаш Бобоқулов ишнинг кўзини биладиганлардан. Ер билан тиллаша оладиган, тинмай елиб-югурадиган инсон. Ишга нисбатан лоқайдлик қила олмайди. Ҳаёт билан ҳамнафас юради. Кундалик матбуот билан ҳам танишиб боради. Фермерликка доир ва бошқа бадиий адабиётларни ҳам ўқийди. Бундайларни ҳаётга ҳамиша ташна кишилар деб аташ мумкин.

— Фермерликдан мақсад, — дейди у, — мулк эгаси бўлиш, турмушимизни фаровон этиш. Ер бўлса, техника ўзингдан чиқса, ишловчилар ишнинг кўзини билса, яна нима керак? Қисқаси, даромад ҳам, топган бойлик ҳам ўзингники. Лекин бунга шунчаки эришиб бўлмайди. Шу йилнинг боши биз учун синовлар даври бўлди. Чунки ер майдонини янада кенгайтириш, ширкат хўжалиги тўлиқ фермерлар хўжалигига айлантирилаётгани муносабати билан қўшимча экин майдонига эга бўлиш мақсадида 117 гектар учун тендер комиссиясига ҳужжатларни топширдик. Лекин айрим мансабдор шахслар бу ишга аралашиб, ерни бошқага тендерда ютган ҳисоблаб, бериб юбордилар. Ҳақиқат бор экан. Адолат қисқа вақтда қарор топиб, барча майдон ўзимизга қайтарилди. Шу кеча-кундуздда 170 гектар ерда иш қизғин юритиляпти.

Фермер хўжалигининг 120 гектарида ғўза парваришланяпти. Қолганида буғдой. Пахта ҳосилдорлигидан камида гектаридан 45 центнерлик мўлжал бор. Ғалладан эса 50 центнерлик ҳосилдорликка эришишни режалаштираяпмиз. Умумий даромад пахтадан 304 миллион, буғдойдан 37,5 миллион сўмга етади. Соф даромад пахтадан 150 миллион, буғдойдан эса 17,5 миллион сўм олиш мўлжалланяпти. Фермер хўжалигидаги 25 нафар ишчи бунинг учун астойдил меҳнат қилаётир. Ҳозир ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 60-70 минг сўмга етиб қолди. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимоя сифатида уларга қўшимча ёрдам пули берилаяпти. Туғилган кунлари, тўйларига моддий кўмак бериб борилмоқда. Саёҳатларга бепул олиб бориляпти. Даланинг ўзида бепул иссиқ овқат ташкил қилинган.

Пахта ва ғалладан ташқа-ри қўшимча тармоқларни ривожлантириш орқали ҳам даромад кўпайтирилмоқда. 15 бош қорамол, 65 бош қўй-эчки боқиляпти. Фермер хўжалигида катта омборхона мавжуд. 3 та асосий транспорт воситаси бор.

Даромадга қараб буромад деганларидек, Ижтимоий ҳимоя йилида 24-мактабнинг 5 нафар ўқувчисига ҳар чоракда оладиган стипендия тайинладик. "Дўстлик" ҳамда "Навбаҳор" маҳаллаларида яшовчи кам таъминланган оилаларга ёрдам қилиш, тўйлар ўтказишдек савоб ишларни амалга ошириш, Нағоратепа қишлоғида келгусида болалар спорт мажмуаси қуриш асосий мақсадимиздир.

"Бобоқул бобо" фермер хўжалиги аъзолари эзгу мақсадлар сари интилиб, самарали меҳнат қилаётган экан, уларнинг бу ниятлари амалга ошишида муваффақиятлар тилаймиз. Ватанимиз равнақи юрт учун, миллат учун фидойи шу каби инсонлар қўлида, албатта.

Жуманазар АНОРОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Истиқлол фидойилари

НАМУНАЛИ ФЕРМЕР



— Фермер хўжалигимиз ташкил этилганига беш йил бўлди, — дейди Оққўрғон туманидаги «Покиза-М» фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Каримов. — Шундан буён 20 нафардан зиёд кишини иш билан таъминладик. 176 гектар еримиз бор. Бу йил ҳам пахта ва ғалла етиштираяпмиз. Ҳосилимиз асосан уруғликка сотилади. Аҳолининг талабидан келиб чиқиб озроқ еримизга картошка ҳам экканмиз. Ўтган йилни 55 миллион сўм соф фойда билан якунладик. Насиб қилса, бу йилги ҳосилдан кутаётган натижамиз бундан ҳам яхши бўлади. Ўз кучимиз билан ферма очишни ҳам режалаштириб қўйганмиз.

Фермер хўжалиги «Ташаббус» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичларида муваффақиятли иштирок этиб келаётир. Италия, Миср сингари мамлакатларда бўлиб, қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларни жалб этиш бўйича тажриба орттириб келган, дунё кўрган фермернинг ўзи айтганидек, асосий ютуқлар ҳали олдинда.

Миллий дастур амалда

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ — КЕЛАЖАК МЕВАСИ



Ҳар бир юртнинг бугуни ва келажаги мамлакат таълим тизимининг қай даражада ривож топгани билан белгиланади. Юртимизда мазкур масалага устувор вазифа сифатида қаралишининг замирида ҳам фарзандларимизнинг келажак тақдирини ўйлаш орқали Ватаннинг эртанги тараққиётини кўриш ғояси мужассам. Мазкур сиёсатнинг самараларини "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жорий қилингач, мамлакатимиз таълим тизимида туб бурилишлар содир бўлганлигида ҳам кўриш мумкин. Ушбу ҳужжатлар билан боғлиқ Президентимизнинг бир неча фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий қисми бўлган, Президентимизнинг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури

тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, соҳа ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш борасида тарихий воқеа бўлди.

Соҳа ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами билан танишиш, тажриба алмашиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши мажлислар залида Халқ таълими вазирлигининг кенгайтирилган кўчма ҳайъат йиғилиши ўтказилди. Унда Халқ таълими вазирлиги, республикамиздаги олий таълим муассасалари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 626 та мактаб манзилли дастурга киритилган, 33 та мактабни янгидан қуриш, 230 тасини капитал реконструкция қилиш, 215 та мактабни капитал таъмирлаш ва бошқаларида жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш белгиланганди. Орадан ўтган давр мобайнида режа асосида иш юритилиб, кўпгина мактаблар замонавий билим даргоҳларига айлантирилди.

Иштирокчилар Қорақалпоғистон Республикасида болалар спортини ривожлантириш борасида қилинаётган ишларни кўздан кечириш мақсадида ўтган йили фойдаланишга топширилган Беруний туманидаги спорт мажмуаси билан танишди. Бу ердаги 10 та спорт секциясида 154 нафар ёш кураш, теннис, волейбол, баскетбол, гандбол сингари спорт турлари билан шуғулланиб келишаётир. Мажмуада замон талабларига мос барча шароитлар яратилган. Шу боис, тумандаги мактаб ўқувчилари мусобақаларда юқори натижаларга эришиб келмоқда. Айниқса, волейболчи ўсмирлар ва қизлар жамоасининг ютуқлари таҳсинга лойиқ.

Меҳмонлар Беруний туманидаги 11-умумтаълим мактаби, Элликқалъадаги Санъат саройида ташкил қилинган мактабдан ташқари таълим муассасаси, Нукусдаги «Ёшлик» болалар спорт манежида ҳам бўлишди. Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйида эса Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан олиб борилаётган амалий ишлар билан яқиндан танишди.

Шунингдек, ҳайъат йиғилишида Халқ таълими вазирлиги тизимида 2007 йилнинг I чораги давомида Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг барча устувор йўналишлари бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари ва келгусидаги вазифалари тўғрисида сўз борди.

Йиғилиш сўнгида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Шерзод АҲМАТОВ,
Халқ таълими вазирлиги Ахборот маркази ходими.

ТОМДИДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАСКАНИ

Юртимизнинг ҳар бир туманида қад ростлаган, минглаб ёшлар илм сирларини ўрганаётган коллежларни истиқлол йилларида таълим соҳасида олиб борилган ислоҳотлар самараси дейиш мумкин. Қувонарли томони шундаки, талаба ёшлар ўрта махсус маълумотга эга бўлгач, бирор бир ҳунар ёки касбнинг этагини тутиб кетишаётир. Олий ўқув юртларида мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттираётганлар ҳам кўп. Бу ўзгаришлар мамлакатимизда ёшларга бўлган юксак эътибор натижаси ҳамдир.

Ҳунарли киши хор бўлмайди, дейди халқимиз. Ёшликда ўрганилган ҳунарнинг фойдаси кўплиги барчамизга яхши маълум. Шу маънода ёшларга ҳавас қилсак арзийди. Навоий вилоятидаги Томди қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи аллақачон ёшларнинг севимли масканига айланиб улгурган. Ҳозирда ўқув юртида 751 нафар талаба 13 та касбий йўналиш бўйича касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда. Ўтган йили коллежни 148 талаба тамомлаб, ўз мутахассисликлари бўйича диплом олишди. Уларнинг 5 нафари олий ўқув юртига ўқишга кирган бўлса, қолганлари ишга жойлашди.

Замонавий услубдаги коллежда ёшларнинг билим олишлари учун етарлича шароит яратилган. Фан кабинетлари, лаборатория хоналари кўргазмали қуроллар, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 1 миллиард 285 миллион сўмдан ортиқ чет эл кредитларидан шу мақсадда фойдаланилди. Зиё масканида талабаларга фермерлик иши, зоотехник, ветеринария, автомобиль таъмирловчиси, электр устаси каби йўналишлар бўйича ҳам таълим берилмоқда. Энг муҳими, уларнинг амалиёт даврлари яхши ташкил қилинган. Талабалар бу вақтда тумандаги корхона ва ташкилотларда бўлиб, тажриба орттиришади.

Коллежнинг ахборот-ресурс марказида 10 мингдан ортиқ китоб мавжуд. Бу адабиётлар ёшларнинг илм-фан сирларини пухта ўрганишларида муҳим омил бўлаётир. Ўқув-услубий жараёнлар 4 та кафедра орқали бошқарилади. Талабаларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш мақсадида ўқув юртида 18 та тўгарак ташкил этилган. Коллежда бўлган кунимиз дарсдан кейин машғулотларда қатнашаётган талабалар билан ҳам суҳбатлашдик. Ёшларнинг тиришқоқлиги, билимга ташналигида уларнинг бахтли келажагини кўргандек бўлдим.

Талабаларга касб-ҳунар сирларини ўргатиш билан бирга тарбиявий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу борада коллеж тумандаги асосий маданият ва маърифат масканига айланган. Туман миқёсида ёшлар иштирокида ўтказиладиган тадбирларнинг аксарияти шу ерда ўтади. Ўқув даргоҳида бўлганимизда туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими ва бошқа ҳуқуқ-тартибот соҳаси вакилларининг соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бағишлаб талабалар билан уюштирган мулоқоти устидан чиқдик.

Кенг ва чароғон фаоллар залида ўтган йиғилишда бугунги ёшлар маънавиятига салбий таъсир қилаётган ҳолатлар ҳақида сўз борди. Тадбирда сўзга чиққанлар бундай хатоликлардан йироқ бўлиш зарурлиги, талабаларнинг ёрқин келажаги ёшликда олинган билимнинг мустаҳкамлиги билан белгиланиши тўғрисида гапиришди. Савол-жавоблар тарзида ўтган очиқ мулоқотдан кейин аълочи, фаол талабалар билан танишишни ният қилдик.

Ёшлар орасида тийрак нигоҳи билан ажралиб турган бир қиз эътиборимни тортди. Ўзига хос иқтидори билан Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлган қирғиз қизи Мўлдер Рустамовани устозлари энг намунали талабалардан бири, деб айтишди.

— Туман марказидан анча олисда жойлашган қишлоқда туғилиб-ўсдим, ўрта мактабни тугатгач, коллежга ўқишга келганман, — деди у ўзини таништирар экан. — Санъатга қизиқишимга болалигимдан севиб эшитганим — отамнинг дўмбира чалиб айтиб берган ўланлари сабаб бўлган. Мен эришган ютуқ жонкуяр муаллимларимизнинг меҳнатлари самараси деб ўйлайман. Устозларимга ҳавас қилиб ўқитувчилик касбини танлашни ният қилдим.

Мўлдер куйлаётган халқ қўшиқларини эшитиб, юртимизда миллатлараро тотувлик, тенглик ва дўстликнинг қанчалар эъзозланаётганлигини дилдан ҳис қилдим. Коллежда бундай билимга чанқоқ талабалар кўп экан. Маърифат масканидан қайтар эканмиз, ёшлар ҳаётда муносиб ўринларини топишларига чин дилдан ишондик.

Бахтиёр ТЕМУР,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Вилоят кенгашларида

ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИДА ЁШЛАР ИШТИРОКИ

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгашининг "Ёшлар қаноти" Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиалининг "Ёшлар кенгаши" билан ҳамкорликда "Ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги — давр талаби" мавзуида семинар-тренинг ўтказди.

Уни ЎзМТДП вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раиси Саида Эшмуродова бошқарди. Шундан сўнг ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари А.Холмирзаевга сўз берилди. У ёшларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг келажагига билдирилаётган ишонч ҳақида гапирди.

Тадбир иштирокчилари "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият", "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида партияларнинг ўрни ва роли" каби мавзуларда баҳс-мунозара юритиб, ўз таклифларини билдиришди. Улар кўпроқ партия фаолиятида ёшлар иштирокини фаоллаштириш муҳим масала эканлигини таъкидлашди. Шунингдек, вилоят ҳудудида "Миллий тикланиш" боғини яратиш, партия сафларига етакчи ёшларни жалб этиш, кадрларнинг тажрибаси ва малакасини ошириш зарурлиги ҳақида таклифлар билдирилди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходими Гулнора Холмаматова эса ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш замон талаби эканлигини таъкидлади. Сўзга чиққан Хуршида Усанова, Норқўчқор Ҳакимов, Гўзал Холовалар ҳам келгусида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳақида ўз фикрларини айтишди.

Нафиса НУРЖИГИТОВА.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

ЎзМТДП Паркент туман кенгаши ташаббуси билан Хисарак қишлоғида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб тадбир ўтказилди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуғ кишилар ҳамда бир гуруҳ партия фаоллари иштирок этишди.

Йиғилишда туман ҳокими Абдуқаҳҳор Азаматов сўзга чиқиб, фахрийларни эъзозлаш барчамиз учун инсоний бурч эканлигини таъкидлади, уларга узоқ умр тилаб, тилаклар билдирди.

Меҳмонлар бир пиёла чой устида дилдан суҳбатлашдилар. Жанггоҳлардан омон қайтиб, ҳозирда оиласи даврасида қарилик гаштини сураётган фахрийларга партиянинг вилоят ва туман кенгашлари томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, Заркент қишлоғида ҳам байрам муносабати билан тадбир уюштирилди. Партиянинг фаол аъзоси Х.Холманов шахсий маблағи ҳисобидан 18 нафар уруш ва меҳнат фахрийларининг оилаларига ёрдам пули ажратди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгашининг Ўрта Чирчиқ, Бўка ва Паркент туман кенгашларида партия фаолларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Тадбирларда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва партия ишини янада яхшилаш борасида сўз борди. Шунингдек, жойлардаги партия кенгашлари иши таҳлил қилинди.

Тадбирларда ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова қатнашди.

Доно АҲМЕДОВА,
ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши бош мутахассиси.

Ўзини ўзи бошқариш органлари

МАҲАЛЛА — ЮРТ ТИМСОЛИ

Ҳар бир давлат фуқароларининг ҳаёти ўзига хос. Бунда ўша жойда олиб борилаётган давлат сиёсати муҳим ўрин тутиши табиий. Давлат бошқаруви тизимидаги тартиб-қоидалар, адолат тамойиллари шу юрт аҳолисининг фаровон ҳаёти ва бахтли келажаги учун кафолатдир. Бу ўринда ҳар бир мустақил давлатнинг ўзига хос иш юритиш механизми, тажрибаси ва режалари борлиги барчамизга аён.

Юртимизда истиқлол йилларида юз берган ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бундай ютуқларда давлатимизда ўрнатилган одилона сиёсатнинг ўрни катта. Ўзини ўзи бошқариш органлари деганда, аввало, маҳаллалар ҳаёти кўз олдимизга келади. "Ватан остонадан бошланади", — дейдилар. Кейинги йилларда маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бироқ давлат ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериш масалалари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимида муҳим ўрин тутишига қарамай, бу масала шу вақтгача кам ўрганилган. Шу ўринда ўзини ўзи бошқариш органларига давлатнинг қайси ваколатлари берилиши керак, қайсиларига йўл қўйилмайди, деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун босқичма-босқич иш юритиш йўлидан борилиши керак.

Бизнингча, биринчидан, ваколатларни бериш қонунийлик принциплари асосида амалга оширилгани маъқул. Иккинчидан, берган ваколатларни амалга ошириш устидан давлат ҳокимияти органларининг назоратини таъминлаш зарур. Ваколатларни беришда уларни амалга ошириш учун зарур ва етарли даражадаги моддий ва молиявий маблағлар билан таъминлаш масалалари ҳам тартибга солиниши керак. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилган давлатнинг айрим ваколатлари ижросини тегишли равишда таъминлаш имкони бўлмаган тақдирда вужудга келган тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши ва мавжуд аҳвол тўғрисида давлат ҳокимияти органларига ўз вақтида хабар қилиниши шарт. Давлат ҳокимияти органлари эса ўз ўрнида давлатнинг айрим ваколатлари қандай амалга оширилаётганлиги устидан назорат ўрнатади.

Бизнинг фикримизча, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлатнинг айрим ваколатлари учун маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағ тегишли мақсаддагина сарфланиши лозим. Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иш тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатишга давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари кўмаклашиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мазкур соҳада ишловчи кадрларнинг малакаси, ёш кадрларнинг тажрибасини ошириб бориш ҳам ўта муҳимдир. Иш бир маромда бориши, камчиликлар бартараф этилиши учун уларга ҳам моддий, ҳам маънавий мадад керак.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимиздаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш учун давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамжиҳатликда ишлаши, муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга эришиши керак. Сабаби, маҳалла ҳам кичкина бир Ватан. Ҳар биримиз шу Ватаннинг бир бўлагимиз. Ҳар икки томонда ҳам бирдамлик кайфияти ҳукм сурса, ислоҳотлар ўз-ўзидан амалга ошади, мустақил давлатимиз янада равнақ топади, гуллаб-яшнайди.

Ж. АЪЗАМОВ,
ТДЮИ магистранти.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Ҳар бир азиз инсон баҳорда таваллуд топган ва шу мунаввар фаслда сўнгги йўлга кетган меҳрибонини ёдга олади. Унинг қабрига баҳорнинг тўнғич лолаларини элтади. Қутлуғ, мумтоз тилаклари, ўктам орзулари ичра йўқотган яқинларини ёд этади, унинг қабрини тавоф этади, тиз чўкади... Саждагоҳга ирмоқ бўлиб борган кўнгил дарё бўлиб қайтади...

БИР УМР ҚАЛБИМИЗДАСИЗ

Сирожиддин Камолиддинов хотирасини ёд этганимда ана шундай туйғуларни ҳис этдим. Ул зот бир умр эл манфаати, юртнинг, санъат ва маданиятнинг равнақи йўлида меҳнат қилдилар, илмий ишлар олиб бордилар, қатор рисолалар ёздилар. Адабиётни, айниқса, шеъриятни, санъатни ғоят севган бу инсоннинг хаёллари, танлаган йўли, орзулари ҳам шунга ҳизмат қилди.

Ўзбек драматургияси, унинг тарихи, назарияси ҳақидаги китоблари санъат соҳасида сезиларли из қолдирди. Санъат оламига кириб келаётган ёшларни тарбиялаш, уларни санъат сирларидан воқиф этишдек хайрли ишга муносиб ҳисса қўшди. Таржимонлик соҳасида ҳам ҳам бир талай ишларни амалга оширди.

Меҳнат фаолиятини мактабдан, ўқитувчиликдан бошлади. Сўнг маданият вазирлигида биринчи муовин, театр ва рассомчилик институти ректори вазифасида фаолият кўрсатди. Санъат оламининг софлиги, миллийлиги, санъат кишисининг маънавияти, ҳалоллиги, баркамоллиги ҳақида кўп ўйларди. Санъат салтанатининг остонаси қутлуғ, бу қутлуғ даргоҳга оёқлар гардини қоқиб, юракнинг бор ҳароратини, муҳаббатини бахш айлаб, қадам босмоқ кераклигини уқтирарди. Ўзига хос йўл танлаган изланишлар йўлидан борган, элюртнинг ҳурматини қозонган кишиларни эъзозламоқ кераклигини ҳамиша эътиборида тутарди. Ўтмишимиз, бой маданий меросимиз, қадриятларимизга эҳтиром билан қарар, ўзгалардан ҳам шуни талаб қиларди. Бу улуғворлик тахтига кўтаргувчи зинапоялар борлигини, бу зинапоялардан ошиқмай, қадам босмоқлик кераклигини маслаҳат берардилар.

Абдуқодир найчи, Хўжа ҳофизлар, Абдулазизлар, Мукаррама Азизоваларнинг нодир ёзилмаларини тез-тез эшитиб турардик.

— Фарзандларимиз бу каби санъат усталарини, бебаҳо санъатимизнинг ноёб хазинасидаги бойликларни эшитсин, қадрласин, унутмасин, — дерди у мулойимлик билан. — Ҳалимахонимлар билан бир сафда туриб, ўз қўшиқлари билан хизматида бўлган Эркин қори акалар, Мамат буваларнинг меҳнат ҳақидаги қўшиқларини халқ унутмагани маъқул. Эски бисотимизни ардоқлаганимиз ҳолда янги даврнинг катта ашулаларини яратишга қарздормиз.

Санъаткор ҳам шоир каби инсоннинг маънавий дунёсини кўтаришдек муқаддас вазифа олдида масъулдир.

Суҳбатларимизнинг бирида у киши Тамарахоним ҳақида сўзладилар.

— Санъаткор ўзбек қўшиғини илк бора, миллий мусиқа сасини мамлакатимиз ташқарисига олиб чиқди. 1935 йили Лондонда халқаро санъат фестивали бўлди. Кўп асрлик бой тарихи бўлган инглизларга республикамизни намойиш этиш ва манзур қилиш масъулияти ёш Тамарахоним билан уста Олим зиммасига тушган эди ўшанда. Тамарахоним Лондон саҳнасида эгнида атлас қўйлаги-ю, бошида ироқи дўпписи, ўриб ташланган қирқ кокиллари билан қўшиқ айтди. Ўшанда Англияда чиқадиган рўзномалар шундай деб ёздилар: "Санъат маликаси бизни мафтун этди. Шўх, ўйноқи, самимий қўшиқлар, ўзбек доирасининг янгроқ, тантанавор садоси бир умр ёдимизда қолади..."

Биз бир-биримизни авайлаб, нолойиқ кўзлардан, дағал сўзлардан асраб, юрагимизни қўриқлаб яшадик. Тиниқ орзуларимизни дунё асради. Ўғилларимизнинг билим олиши, тил ўрганиши учун зарур имкониятларни излаб топарди. Риёзат чекмай туриб, илмнинг кенг манзилларига етиб бўлмаслигини уқтирарди. Икки ўғлимиз ҳам отасининг хоҳиши билан араб, инглиз, рус тилларини ўрганди. Она тилимизнинг энг нозик зеру забарлари, бойлиги билан ошно бўлди. Катта ўғлимиз Шамсиддинбек араб тили қўлёзмалари тарихи бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Араб тили тарихи, қўлёзмалари тадқиқоти, юртимиз тарихи бўйича қатор илмий мақолалар, китоблар ёзди.

Умримни безаган, ҳаётимга мазмун бағишлаган, хаёлларимни, орзуларимни ардоқлаган бу умри азиздан бир умр қарздорлигим бор. Оппоқ, беғубор қоғозим, туну кун ёзишга маҳтал қаламим, юрак тўла дардларим, қувончларим, умидларим ул зот билан боғлиқ. Негаки, мен ундан ҳаётнинг беҳишт боғларидан ўтган чоғларимда ўзимдан кетмасликни, умидсизликнинг умидсиз саҳроларида қолганимда забун бўлмасликни ўргандим. Энг муҳими, ҳаёт, инсон руҳияти, унинг маънавий олами, умр фалсафаси, одамийликнинг ёзилмаган қомуслари, яхши хулқ, аёллик назокати ҳақидаги мушоҳадалари ҳамиша мени ўйлантириб қўяди....

Баҳорни, яшилликни севарди. Илк бинафша, илк лолаларни кўрганда ёш болалардай қувониб кетар, "Мана, гул фаслига ҳам етиб келдик", — дея шукроналар айтарди. Бир тутам ялпизни қўлларида олиб келар, қўлида ялпиз эмас, гўё нур, сурур тургандайин уни димоғига, юз-кўзларига олиб суртар, сўнг авайлабгина менга тутқазарди. Юрагимда севинч уйғонарди, ялпиз ўсган анҳор бўйларига югурардим.... Ҳар ғунча, ҳар ниҳолнинг бандаси бўлиб боғ айланиб юрарди у. Чаманлар поёндозини тўшаган, нурлар хаёлини безаган, қушлар баҳор баётини сўзлаган боғ ичида танҳо кезиб юрган чоғларида бир даста ялпиз қўлларида бўларди....

Мен билан бир умр бирга ширин хаёллар, ўтган кунларнинг ёруғ ҳамда унутилмас азиз хотиралари қолди. Ҳар инсон боласи ҳаётининг йўллари олис ва равону норавондир. У кечалари ва кундузларнинг бағрига қувончу дардларини иншо этади. Бу кўҳна дунёда бир тутам хаёл, бир нуқра кўз ёшдай яшаб ўтган башар наслидан нелар қолади? Фақат яхши ном!

Умр йўлдошим ана шундай яхши ном қолдирган инсонларнинг бири эди.

Эътибор ОХУНОВА.

ҚЎШИҚЛАРИ КАБИ УНУТИЛМАС

Анвар Эшонов билан танишганимда унинг учтўртта китоби чиққан, тилга тушиб қолган шоир ва адиб эди. Ўша пайтда у «Ўзбекистон овози» газетасида адабий ходим бўлиб ишларди.

Шеърларимни олиб борганимда Анвар акага дуч келганман. У шеърларимни ўқиди. Анча вақтгача ўй суриб ўтирди.

— «Ўғил монологи» деган шеърни сен ёзганмисан? — сўради кейин.

— Ҳа, — дедим.

— Бу шеърларингда изтироб, ҳарорат йўқ. Кузатувчи бўлма, ҳаётнинг ичига кир. Кўп ёзма, кам ёзу нишонга тегсин. Бор, машқингни қилавер.

Анвар аканинг ўзи жуда кам ёзар эди. Лекин ёзганларини мухлислари жуда узоқ вақт эслаб юрарди. Насиб экан, «Ишонч» газетасида бирга ишладик. Шунда Ғалаба кунига бир мақола ёзиш керак бўлиб қолди. Муҳарриримиз Тўлқин Қозоқбоев: «Анвар акага айт, ёзсин», — деди. Топшириқни айтган эдим: «Сал олдинроқ айтмайсанми, вақт жуда оз қолди-ку», — деб ёзғирди. Мен: «Бир ойда Юлиан Семёнов битта роман ёзади, ахир», — дедим, қолдим балога:

— У Семёнов, мен Эшоновман, бор, ўшанга айт, сенга роман ёзиб берсин, — деб қўл силтади.

Барибир мақола ёзилди. Мақола эмас, шеър қилиб юборган эди, раҳматли. Шунақа масъулиятли эди. Ижодни жуда қадрлар, бир сатр устида ҳафталаб ишлаганларини биламан. «Дунё севги ёшида», «Европада қолган қабрлар» сингари китоблари шу тариқа дунёга келган эди.

Анвар Эшонов насрнинг шоири, назмнинг носири эди. Ҳикоялари ажойиб шеърга ўхшарди. Шарқнинг ўн бир қаҳрамонига бағишланган қиссаси, «Жоноқи олма» ҳикояси мана шу гапларимга гувоҳ.

— Шундай қилгинки, биров ёзганларингдан иллат тополмасин. Ғўзани культивация қилсанг, ишлов берсанг, вақтида суғорсанг, роса авжланади. Шеърга ҳам ишлов бер, культивация қилиб ташла, юрак қонинг билан суғор, умри узоқ бўлади, — дерди доим.

Нима бўлди-ю, Анвар акадан оила саҳифаси учун бир шеър ёзиб беришни илтимос қилдик. У одати бўйича ҳар куни таҳириятга келарди. Чой устида гурунглашарди. Ёзган ҳар бир сатрини ўқиб берарди. Бир куни у:

— Қани, шоир, ўтир-чи, — деди. Кейин ўзига хос қироат билан ўқишни бошлади. Шунчалик эҳтирос билан ўқидики, асти қўяверасиз. Бир лаҳза жим туриб сўради:

— Қалай?

Шу тариқа муҳаббатни таранум этувчи «Унутилган қўшиқлар» туркуми дунёга келган эди.

Анвар ака гурунгларни жуда хушларди, унинг ичакузди ҳангомаларини эшитмаган одам қолмагандир-ов. Бир куни кулакула бир воқеани айтиб берди: «Автобусда келаётсам, бир йигитча чунонам ихлос билан сигарет чекаяптики, жуда ҳавасим келиб кетди. Битта ол, дедим. Берди. Қарасам, ёнимда гугурт йўқ. Гугурт ҳам бер, дедим. Ҳузурини буздим, шекилли, ака, кашанда бўлсангиз, гугуртингизни олиб юринг-да, деди. Шартта ёнимдан битта ўн сўмни чиқардим. Ма, гугурт оласан, дедим-да, бекатда тушиб қолдим. Бечора уйимгача кечирим сўраб борди». Ўн сўмни олмадингизми, девдим, Анвар ака: «Ҳозир еган лағмонинг ўша ўн сўмга келган», — деди.

Анвар аканинг дўсти, қадрдони кўп эди. Наманганга борса раҳматли Ҳабиб Саъдулла икки қўли кўксида кутиб оларди. Жиззах чўлқуварлари ўзиники бўлиб кетганди. Уни билмаган бригада бошлиғи, танимаган деҳқон йўқ эди. Ҳаммаси унинг асарлари қаҳрамони эди-да.

Насиб экан, кўп йиллар Анвар Эшонов билан ака-ука бўлиб юрдик. Сафарларда бирга бўлдик. Бир чеккаси қариндошчилик ришталари ҳам боғланди, Эшоновлар сулоласига куёв қавмида бўлдим. Анвар акадан жуда кўп нарса ўргандим.

Ҳозир Анвар ака жисман орамизда йўқ. Дилгир бўлган кезларимда унинг китобларини қўлимга оламан. Ўзига ўхшаган дўлвор қаҳрамонлари қиёфасида кўз олдимда пайдо бўлади. Шеърларини ўқийман. Худди янги ёзилгандек, оҳорли жаранглайди. Шунда унинг ҳар бир сатр устида қанчалар тер тўккани сабабини англаганман. Бири биридан қобил фарзандларини кўрганимда бу дунёдан беиз ўтмаганига амин бўламан. Қулоғим остида унинг шодон кулгиси янграгандек бўлади:

— Э, ҳали буниси ҳолва, яна биттаси бор, ичагинг узилмаса, мен кафил.

Анвар аканинг ҳаётлари бевақт узилди. Лекин у айтган қўшиқларнинг умри абадийлигига шубҳам йўқ. Чунки у ўтли сатрларда ҳаётни куйлади.

Темур УБАЙДУЛЛО.

УСТОЗНИ ЭСЛАБ

Куй, мусиқа, айниқса, юракдан айтилган қўшиқ кўнгилга хуш ёқади. Ҳофизнинг дилхуш ёхуд ўртагувчи хониши тингловчини дунёнинг ишларидан бир зум бўлса-да халос этади.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев ижросидаги ҳар бир қўшиқ шундай сеҳрли ва оромбахш эди.

Радио тўлқинлари орқали бериладиган мумтоз қўшиқлар орасида эл севган ҳофизнинг дардга йўғрилган қўшиқларини ҳам эшитиб қоламиз. У бастаслаган "Интизор", "Оқибат", "Соғиндим", "Кўнгил", "Дилкушо" каби ўнлаб ноёб куй-қўшиқлар мухлислар кўнглидан чуқур жой олган. У "Мискин", "Ушшоқ", "Муножот", "Насруллойи" каби туркум асарларни ҳам нозик жилолар билан сайқаллаштирганди. Ижрочиликнинг ўзига хос йўналишини ярата олган бу устоз санъаткор узоқ йиллар Тошкент давлат консерваторияси профессори сифатида ёшларга сабоқ бериб келди. Унинг сермаҳсул ижодий фаолияти Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли, Бастакорлар уюшмаси билан узвий боғлиқ бўлди.

Халқ қўшиқларининг ихлосманди, ҳаваскор ижрочиси бўлганим учун ҳам бу инсонни маънавий устозим деб билар эдим. Ҳамиша Марғилон дўппи кийиб юрадиган Фаттоҳхон аканинг қордек оқарган сочлари, қошларигача ўзига ярашиб турган нуроний чеҳраси ҳали-ҳануз ёдимда. Отасининг изидан борган Иномжон Мамадалиевнинг овози ҳам ширали.

— Ҳам устозим, ҳам отам эдилар, — дейди Иномжон ака. — Кўпгина ижодий сафарларда, хориж давлатларида, Франция, Болгария, Туркияда мумтоз қўшиқ ихлосмандлари ҳузурида бирга бўлганмиз. Кўнгилдан айтилган қўшиқ қалбга етиб борар экан, уларнинг ижросидаги қўшиқларни тинглаб, мухлислар олқишлашганида шу нарсани ҳис қилганман. Саксонни қоралаб қолган бўлсалар ҳам доим миллий қўшиқларимизнинг ёш ижрочилари ишларини кузатиб борар, ёшларга билмаган нарсаларини ўргатишдан эринмас, улардан қимматли маслаҳатларини аямас эдилар.

Фаттоҳхон Мамадалиев ёшлигидан миллий куй-қўшиқларимизга чуқур ихлос қўйганди. Ўша йиллардаёқ у дутор, ғижжак, танбур чалишни ўрнига қўярди. Халқ қўшиқларининг моҳир ижрочилари бўлган Умрзоқ Полвон Сайдали, Абдулла Тароқ, Беркинбой Файзиев, Жўрахон Султонов, Юнус Ражабий сингари устозлардан сабоқ олган ёш хонанда ўзига хос ижро йўлини танлади.

Якка ва ҳамнафасликда ашула, катта ашула, мақом намуналарини қиёмига етказиб ижро этадиган, ҳам ҳофиз, ҳам устоз, ҳам бастакор сифатида элга танилган санъаткорнинг "Дарди дилим" ашуласи халқаро мақомчилар фестивалида осиёликлар қалбини забт этди. Ҳофизнинг исмини эшитиши биланоқ унинг қўшиқларини севиб тинглайдиган ихлосмандларнинг дили орзиқиб кетади. Негаки, у куйлаган, куй басталаган қўшиқларда дард бор, дилга яқинлик бор.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий анъаналари, асрий қадриятлари бўлади. Ҳар қайси миллатнинг санъат йўли ҳам ўзига хосдир. Ўзбек мусиқа санъатининг мақомчилик анъаналари ҳам бошқа миллатда учрамайди. Бугун бу анъаналарнинг давомчиси, тарғиботчиси, таъбир жоиз бўлса, шу йўлда ёшларга сабоқ бериб, бутун умрини санъатга бахшида этган улуғ бир инсонни ёдга олдик. Унинг ўлмас қўшиқлари ҳофизнинг хотираси ҳамиша уйғоқ эканлигини бизга эслатиб туради.

Эминжон ЮЛДОШЕВ.

Хитой қишлоғидаги бу хонадон ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида янада гавжум бўлиб кетади. Қариндош-уруғу яқин таниш-билишлар Аширбой ҳожини хотирлаб, уйига ташриф буюришади. Унинг ҳаққига дуо айлаб, эл-юрт олдида қилган хизматларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади. Келди-кетдиларни кузатиб қолар экан, шундай инсоннинг фарзанди бўлганликларидан ўғил-қизлари фахрланишади. Ўз болаларининг ҳам бобоси каби эл-юртга муносиб фарзанд бўлиб ўсаётганликларидан қувонишади. Амударё тумани аҳли-ю қишлоқдошлари эса бу оилага ҳавас билан қарашади.

АШИРБОЙ ОҒАНИНГ БОЙЛИГИ

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи Аширбой Ҳалимов ўз оиласига, ёру биродарларига, қариндош-уруғларига, юртига, она-Ватанига меҳр қўйиб, севиб, ардоқлаган инсон эди.

— Аширбой оға қарийб ярим аср ўзи туғилиб ўсган, вояга етган юрт учун хизмат қилди, — дейди Амударё туман Хитой овул фуқаролар йиғини раиси Жамол Ражапов. — Бутун меҳнат фаолияти давомида хўжаликни, ҳамюртларини деб заҳмат чекди. Кўпни кўрган кексаларнинг айтишича, Аширбой оға ҳисобчи, бош ҳисобчи, раис муовини бўлиб ишлаган йилларда Охунбобоев номли жамоа хўжалиги иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўсиб, юксалди. Отахоннинг бизнинг овулимизга раҳбарлик қилган даврида эса Хитой қишлоғи аҳиллик, ҳамжиҳатлик қўрғонига айланган. Қишлоқнинг тараққий этишида Аширбой оға бошчилигида ҳамма бирдек куч-ғайрат сарфлаган. Аҳолининг турмуш даражаси юксалган.

Аширбой Ҳалимов деҳқон фарзанди эди. Унинг бутун ҳаёти холис ният, ҳалол меҳнат билан ўтди. Отаси Ҳалим ака билан онаси Ортиқбика опа кутгандек, элга муносиб фарзанд бўла олди. Юрт равнақи, халқ фаровонлиги учун сидқидилдан меҳнат қилди.

Аширбой Ҳалимов ҳамиша эл ишига камарбаста эди. Унинг ишбилармонлигини, уддабуронлигини яхши билган республика ва туман раҳбарлари қатор масъулиятли ишларни оғага ишониб топширишарди. Амударёни газлаштиришда ҳам шундай бўлди. Раҳбарларнинг ишончини оқлаш, элни обод этиш учун Аширбой ака пойтахтдаги идораларга ойлаб қатнаб, у ёқдан керакли мутахассислар — муҳандислар, лойиҳачилар, газчиларни бошлаб келди. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаттириб, тегишли буюртмаларни расмийлаштирди. Ижрочиларни топиб, улар билан шартномалар тузди. Бу саъй-ҳаракатлар эвазига туман аҳли табиий газдан баҳраманд бўлди.

Аширбой Ҳалимов хўжаликда ишлаган йиллари кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам эътибор қаратган. Ўша пайтда у хўжалик техникасининг мунтазам равишда янгиланиб туришига алоҳида аҳамият берган.

Аширбой Ҳалимовнинг бевосита иштироки билан Хитой қишлоғида 3 та болалар боғчаси, 2 та клуб, 3 та тиббий ёрдам бўлими, 5 та дўкон қурилиб, фойдаланишга топширилган. Қишлоқ марказида бозор учун махсус расталар бунёд этилган. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган янги АТС ишга туширилган. Шунингдек, қишлоқ ҳудудида Хоразм, Хитой, Қумсангар, Ойимбетаул, Оқбошқалъа, Ҳамза қўрғонлари барпо этилиб, барча хонадонлар табиий газ билан таъминланган. Қишлоқ билан туман маркази ҳамда Юмуртовни, Юмуртов билан эса Қипчоқни бир-бири билан боғловчи эски йўллар таъмирланиб, асфальт қилинган.

Ўғилжон опа билан бахтли ҳаёт кечириб, фарзандларини камолга етказган, бир умр ҳалол меҳнат қилган Аширбой ҳожи ўзидан яхши ном қолдирди. Унинг эзгу ишларини бугун фарзандлари давом эттирмоқда. Тўнғичи Ҳакимбой юртимиз тинчлиги, фаровонлиги, ҳуқуқ-тартиботнинг собитқадамлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Аминбой ота касбини улуғлаб, элюртда обрў-эътибор топаяпти. Олимбой эса нафақат раҳбарлик салоҳияти, балки қўли енгил жарроҳлиги билан элда қадр топмоқда. Аширбой аканинг қизлари Маликахон билан Мақсудахонлар эса бугун бахтли оила бекаси.

— Отам каби эл-юрт хизматида эканлигимиздан қувонамиз, — дейди Олимбой Ҳалимов.

Зеро, бу фарзандларнинг фахр туйғуси ҳамдир. Аширбой Ҳалимовнинг умри беҳуда ўтмади. У бугун орамизда бўлмаса ҳам фарзандлари тимсолида нурафшон умр кечираётгандек.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.



Пойтахтимизнинг Хотира майдони катта-ю кичик тез-тез ташриф буюриб, зиёрат қиладиган гавжум қадамжолардан бирига айланган. Айниқса, олий ўқув юртларининг талабалари, коллеж ва мактабларнинг ўқувчилари, кўпчилик ёшлар катта қизиқиш ва меҳр билан бу ерда бўлишиб, Ватан учун жон фидо айлаган юртдошларимизни сўнмас хотираси олдида бир зум бош эгадилар. Уларнинг ҳаёт йўлига ҳавас қилишади. Қалбларида она-Ватанимизга чексиз меҳру муҳаббат туйғулари жўш уради.

Суратда: бир гуруҳ ёшлар Хотира майдонида.

ЖАСОРАТ МАНГУ

Булунғур туманидаги Ботбот қишлоғида ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб тадбир ўтказилди.

Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, ўқувчи ёшлар иштирок этишди. Йиғилишда сўзга чиққан фахрийлар жанггоҳларда ўтган суронли кунларни хотирлаб, ёшларни бугунгидек тинч, осойишта ҳаётнинг қадрига етишга ундадилар.

Шундан сўнг партиянинг «Ёшлар қаноти» вакили Акбар Ўсаров сўзга чиқиб, ёшларга билдирилаётган ишончни оқлаш учун улардан биринчи навбатда яхши ўқиш, яхши ишлаш, аждодлар анъанасига содиқ бўлиш талаб этилишини таъкидлади. Бир гуруҳ фахрийларга партиянинг вилоят кенгаши томонидан совғалар топширилди.

Тадбир қатнашчиларидан бир гуруҳи шу куни Сурхондарё вилоятидаги чегара ҳудудида Ватан ҳимояси учун қаҳрамонона ҳалок бўлган Маъруф Ражабовнинг хонадонида ҳам бўлишди. Партия фаолларининг таклифи билан юнонрум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида Маъруф Ражабов хотирасига бағишлаб вилоят биринчилиги мусобақаси ўтказилиши режалаштирилди.

А. КАРИМОВ,
ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси.

ПОЛЬШАЛИКЛАР ҒУЗОРДА БЎЛИШДИ

Хотира ва қадрлаш куни арафасида Польшадан келган бир гуруҳ сайёҳлар Ғузор туманидаги польяк ҳарбийлари қабрларини зиёрат қилдилар.

Шу ўринда польяк ҳарбийларининг зиёратгоҳи бу ерда қандай пайдо бўлган, деган савол туғилиши табиий. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Польша фуқароларининг кўпчилиги Марказий Осиёга эвакуация қилинганди. 663 нафар ярадор аскарлар шу туманга келтирилган. Улар оғир жароҳатлари туфайли юртимизда қолиб кетишган. Ҳалок бўлганлари эса Ватанимиз тупроғига дафн этилган. Ғузордаги польяклар қабристони шу тариқа зиёратгоҳга айланиб қолган.

Польшалик зиёратчилар кўҳна шаҳарнинг эътиборга лойиқ гўшаларида ҳам бўлишди. Жойларда улар билан учрашувлар ташкил қилинди. Сайёҳлар "Элюрт таянчи" ёдгорлиги пойига гуллар қўйишди. Хорижлик меҳмонлар партиямиз фаоллари билан ҳам мулоқотда бўлдилар.

Жуманазар АНОРОВ.
«Миллий тикланиш» мухбири.

Соғинч ва армон

«МЕН ВАТАНГА КЕТАЁТГАН ЭДИМ...»

Туркиянинг Истанбул шаҳрида яшаб, ижод қилиб келаётган ватандошимиз Собир Сайхон номи ўзбек ўқувчиларига яхши таниш. Унинг «Тўлғоной», «Адашганлар», «Силсила» қиссалари ва улар асосида ишланган «Бир сиқим тупроқ», «Ватан ягонадир», «Силсила» видеофильмлари ҳам кўпчиликка маълум. Адибнинг «Адашганлар» тарихий асари истиқлолнинг хуш насимлари юртимизда эса бошлаган кезларда, яъни 1994 йилда «Чўлпон» нашриётида чоп этилди.

Ватандошимиз асарларидан соғинч нафаси келиб туради. Оташин сатрларини она-Ватанга, икки буюк миллатга чексиз муҳаббат изҳорномаси дейиш мумкин.

Собир Сайхон Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани Варзак қишлоғида туғилган. Унинг оиласи Ватандан чиқиб кетаётганида у бир ойлик чақалоқ эди. Ўттиз кунлик чақалоқ кўнглида Ватан отлиғ қутлуғ туйғу қачон илдиз отиб улгурди, дерсиз?! Маъсума онаси Улуғпошшонинг соғинч ҳисларига йўғрилган аллалари, шоир отаси Холмуҳаммадхоннинг Ватан ишқида ёнган дардли кўнглидан қоғозга тўкилган, ватандошлар суҳбатининг ҳеч тугамас мавзуси бўлган ҳасратли кечаларда илдиз отган бўлса, не ажаб!

...Муҳожирликда тўйиб овқатлана олмайдиган жажжи болакайни бир нарса ҳайратга соларди. Нега катталар Ватан деган сўзни кўп гапиришар экан-а? Ҳатто баъзан кўзёши ҳам қилиб олишади. Ватан мазали егуликмикан? Унинг қаерда бўлишини онасидан сўраб билиб олади-да, ўзи бориб тўйиб-тўйиб ейди, кейин катталарга ҳам олиб келади.

Улуғпошшо боласининг саволидан ажабланмай, ҳорғин нигоҳларини чўзилиб кетган олис даштликлар томонга қадаб пичирлагандек деди:

— Ватанми, болам, ҳув-в, ўша томонларда...

Болакай эрта саҳарлаб ҳеч кимга билдирмасдан йўлга тушди. Кун қизиб бошлади. Бирорта дарахт кўринмайдиган сайҳонлик болани қўрқувга солди. Сув ичгиси келиб атрофга алангласи. Жимжитлик ва



ёлғизликдан ваҳимага тушиб, йиғлай бошлади. Орқага қайтиш гўдак ақлига келмасди.

Ниҳоят, унинг йўқлигини катталар билиб қолишди. Зир югуриб ҳар томондан ахтара бошладилар. Муҳожирлик алами жонни ўртаб турган бир пайтда кичкинтойнинг йўқолиб қолиши катталарни саросимага солганди. Сўраб-суриштириб даштга ичкарилаб кетган болани топдилар. Биринчи бўлиб унинг олдига онаси югуриб келди. Бирпасда она-бола олдига бошқалар ҳам тўпландилар. Ёт элда боласидан айрилиб қолиш ваҳимасидан ҳамон ўзига келолмаётган Улуғпошшо кичкинтойга жавради:

— Шунча ғурбатларим каммиди? Сен қаёққа кетмоқчи эдинг?!

— Мен Ватанга кетаётган эдим...

У шу сўзларни айтиб катталарга жавдиради. Яна нималарнидир тушунтирмоқчи бўлди-ю, одамларнинг бирдан жимиб қолганликларидан чўчиб, онасининг пинжига тиқилди. Аввал Улуғпошшо боласини қучоқлаб, сўнг бошқалар бараварига хўнграб йиғлаб юборишди. Болакай ўзи ҳам англамаган ҳолда катталарнинг чўнг дардини ёдларига солиб қўйганди...

Ёт элларда муҳожирлик машаққатлари эрта улғайтирган олис болаликнинг дардли хотиралари ҳаяжонга солган суҳбатдошимнинг олдида ўзимни бир қадар ўнғайсиз ҳис этдим. Суҳбат мавзуини бошқа томонга бургим келди. Аммо барча гаплар яна қайта-қайта Ватан, унинг тараққиёти, тилдош, диндош, қардош икки халқ дўстлигига бориб тақаларди. Унинг асарлари ҳам ана шу қардош икки миллатнинг дўстлигидан илҳом олган, киндик қони тўкилган муқаддас она-тупроққа бўлган меҳридан мазмун ва жозиба касб этган.

— Бу тупроқ мени бир умр ўзига тортган, соғинтирган, юрагимга армон ўтинларини осмонўпар қалаган, — дейди чексиз самимий муҳаббат-ла Собир Сайхон. — Бутун умрим Ватан фироғида ёниб ўтган одам эдим. Аллоҳга беадад шукрларки, истиқлол дардимизга даво берди. Энди эрки, султонлиги абадий бўлсин ўзбегимнинг.

Унинг асарларида, суҳбатларида Ватан севгиси яққол сезилиб туради. Албатта, мен миллатдошларимда бундай севги ҳар доим ҳам кўринавермайди десам, хатога йўл қўйган бўламан. Аммо баъзи ривожланган ўлкалар ахолисининг яшаш тарзига ихтиёрсиз ҳавас-ла боққанимизда она-Ўзбекистонимизнинг қадрини бир қадар унутишимиз бор гап.

Ёзувчининг «Ватан қидирган йигит» китобига киритилган «Ноғора товуши» ҳикояси ўқувчини сергакликка ундайди. Узоқ ва орзиқиб кутилган истиқлолни баъзи юртдошларимиз ёт ўлкаларга чиқиб кетиб, моддий бойлик ва бахт топиш учун имкон деб тушунганлари, алалоқибат жондан-да азиз бўлган Ватандан айро тушишлари-ю унга қанчалар зор, ташна бўлишлари мазкур ҳикояда ғоят таъсирчан ва ёркин ифодалаб берилган.

Собир Сайхоннинг қуйидаги сўзлари сизни ҳайрат ва ҳаяжонга солиши табиий: «Ватан дарёсига чўмиб, балиқларга ем бўлишнинг ўзи Худонинг лутфи». Шу жойда анча йиллар муқаддам матбуотда ўқиганим Жунаидхон васиятига боғлиқ қуйидаги ҳолатни сўзма-сўз бўлса-да, эслашни лозим кўрдим: «Ўлим тўшагидаги Жунаидхон яқинларига шундай васият қилади: жасадимни юрт тупроғига қўйинг. Чегарачилар қўлига пул беринг. Шунда ҳам кўнмасалар, жасадимни дарёга ташланг, токи балиқларга ем бўлиб, Ватанга етай...»

Юқорида ёзувчининг Ватан билан боғлиқ болалик хотирасини ўқидингиз. Бу туйғунинг йиллар давомида қай тариқа, қандай шароитда сайқал топганини унинг ўзидан эшитинг-а:

— Азиз юртдошлар! Мен учун Ватаним соғ бўлса, бас! Ватан эгаси — ичкаридаги юртдошларим, сиз соғу саломат бўлсангиз, саодатли бўлиб, яхши кунлар кўрсангиз, бизга етиб ортади. Ватан истиқлолини кўролмай муҳожирликда дунёдан ўтганлар қанча! Биз Ватанда яшай олмадик, Ватан муҳаббати, Ватан орзуси билан унинг саодатли, озод, ҳур кунларини кўрмоқ насиб этди. Бунга беадад шукр...

Собир Сайхон ижоди бус-бутунлигича Ватан соғинчи, уни асраб-авайлаш, юрт қадри ҳақида боради. Бошидан ўтган табиб, деганлари бежиз эмас. Азиз юртдош, биз Ватанимизнинг қайноқ меҳри, мунис она бағридек оташ тафтини туйиб яшаяпмизми? Биз Ватан қадрига етяпмизми? Келинг, токи ана шундай муқаддас ва бебаҳо бойлигимиз бор экан, унинг ҳар қарич тупроғини кўзларимизга тўтиё айлаб яшайлик. Шунда юртимиз янада қудратли, тонгимиз тинч ва беғубор бўлади. Зеро, Ватанда яшамоқ энг буюк саодатдир!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
журналист.

Жаҳон ҳафта ичида

ТАРИХИЙ КАШФИЁТ

Қуддусдаги Яҳудий университетининг бир гуруҳ олимлари шоҳ Ироднинг қабри топилганлиги ҳақида маълум қилишган. Бу ҳақда Ha'aretz агентлиги хабар тарқатди. Кашфиёт атрофидаги барча янгиликлар 8 майда ўтказилган махсус конференцияда маълум қилинган.

Ушбу кашфиёт профессор Эҳуд Нетцерга тегишли. У Ирод I Буюк даври бўйича етакчи мутахассислардан бири саналади. Хронологик маълумотларга кўра, эрамиздан аввалги 4 йилда вафот этган Ирод Қуддусдан 12 километр узоқликдаги сунъий шаҳар — Иродионга дафн этилган, деб ҳисоблаб келинади. Ушбу шаҳарда 1956 йилдан буён мунтазам ўтказилаётган археологик қазишмалар самара бермай келаётган эди. Маълумотларга кўра, Нетцер шаҳарнинг ўзидан олдинги олимлар тегинмаган томонини кавлашга қарор қилган. У шаҳарнинг юқори Иродион деб аталувчи қисми ва иккита қаср оралиғида қазиш ишларини олиб борган. Тарихий шоҳнинг қабри айнан у тахмин қилган жойдан топилган.

ҚАРЗДОР ҚИРОЛ

Непал қироли Гьянендра мамлакатда коммунал хизматлар учун пул тўламайдиган энг йирик қарздорга айланиб қолди. Айни кунларда қирол биргина электр–нинг ўзидан 30 миллион рупийдан ортиқ (460 минг доллар) қарздор бўлиб турибди. Бу ҳақда шанба куни маҳаллий оммавий ахборот воситаларига суянган ҳолда AFP хабар тарқатган.

Олий ҳазратлари сўнгги маротаба 2005 йилда электр энергияси учун ҳақ тўлаган. Дарвоқе, қирол айнан шу йили абсолют ҳукмдорга айланган эди. Непаллик номаълум чиновникнинг журналистларга таъкидлашича, ҳисоблар доимо қирол ва унинг оила аъзоларига жўнатиб турилган. Аммо уларнинг биронтасига на жавоб берилган, на пул тўланган.

Шундай бўлса-да, қиролнинг ҳурмат-эътибори инобатга олинган ҳолда унга тегишли резиденция ва саройларда электр энергияси ўчирилмайди. Қирол оиласи ҳукумат қароргоҳидан ташқари Непалдаги яна бир нечта қаср ва саройларга эгалик қилади.

«БАШОРАТГЎЙ» СИГИРЛАР

Камбоджадаги «башоратгўй» сигирлар мамлакатда узоқ қурғоқчилик ва экинларнинг қуриб кетишини башорат қилишган.

AFP тарқатган хабарда айтилишича, бу башорат шанба куни ўтказилган махсус тадбирда аён бўлган. Ушбу тадбир Пномпенда анъанавий тарзда экиш мавсуми бошланишидан олдин ўтказиб келинади. Унда Камбоджа қироли Нородом Сиамони ва бош вазир Хун Сен иштирок этган.

Одатда, башоратни сигирларнинг қайси емишни танлашига қараб изоҳлашади. Яъни шохли башоратгўйларнинг олдига гуруч, дуккаклилар, кунжут, хашак, маккажўхори, сув ва гуруч ароғидан иборат "таомлар гулдастаси" қўйилади. Бу йил башоратчилар маккажўхорини танлашган. Унинг ярмидан каминигина истеъмол қилишган. Астрологлар эса маккажўхори танлови ва «фолбинлар»нинг иштаҳасизлигига қараб, мамлакатга узоқ қурғоқчилик хавф солмоқда, деган тўхтамга келишди.

Дунёдаги энг камбағал давлатлардан бири ҳисобланувчи Камбоджа аҳолиси бу башоратдан ваҳимага тушаётгани табиий. Чунки мамлакат аграр давлат саналади. Қур-ғоқчилик эса етиштириладиган ҳосилга жиддий хавф солиши табиий.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ижтимоий тадқиқот

ОИЛАВИЙ БАХТНИНГ БУТУНЛИГИ НИМАДА?

Одатда, янги оила қурилаётганда ота-оналар ва жамоат яхши ният ила келин-куёвга: "Қўша қаринглар", — деб фотиҳа берадилар. Аммо ҳаётнинг аччиқ-чучук синовлари борки, улар ҳар биримизга доимо ўз таъсирини ўтказиб туради.

Статистик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, эркаклар аёлларга нисбатан 8-10 йил кам умр кўраркан. 40 ёшдан сўнг эркаклар сони аёллар сони миқдорига нисбатан камайиб бораяпти. Ҳозирги даврнинг энг хавфли касалликлари — юраккон томир, қанд ва асаб касалликлари уларда аёлларга нисбатан 1,5-2 марта кўпдир.

Таомилга кўра, эркакларга кучли жинс, аёлларга эса заифа деб қаралади. Бу эркак ва аёлнинг жуссасига қарабгина берилган баҳодир. Аслида, аёллар организми эркакларга нисбатан пухта-пишиқ, мукаммал яралган. Агар аёллар организми ҳужайра тўқималарини ипак толадан тўқилган нафис матога ўхшатилса, эркаклар организми ҳужайра тўқималарини пахта ипидан тўқилган матога қиёслаш мумкин. Аёллар организмининг табиий функцияси — оналик, янги авлодни бунёдга келтириш, уларни тарбиялаб, вояга етказиш ҳамда мустақил ҳаётга йўллаш вазифасига мослашганлиги бўлса, эркак организми эса зурриёд қолдириш, она-болани моддий жиҳатдан таъминлаш, оилани ҳимоя қилишга мослашган.

Аёллар ташқи жисмоний ва руҳий таъсирдан ҳам 2-3 карра ҳимояланган. Оналар организми руҳий зўриқишларни тарқатади, асабларини юмшатиб туриш хусусиятига эга. Уларнинг кучли ҳимояси ҳис-ҳаяжонлиги, ташқи таъсирга ҳозиржавоблилиги, "йиғлоқи"лигидир. Кўпинча ғам-ташвишлари кўз ёши билан "ювилиб" кетади. Афсуски, эркакларда бу жиҳатлар кам. Жисмоний куч билан эса ҳар қандай муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабли, улар руҳий изтиробларини, дардларини ичига ютади. Натижада ана шундай тез-тез асабий зўриқишларнинг асосий сабабларидан бири оилавий муҳитда кечади. Келишмовчиликлар кўпинча эр-хотин бир-бирининг табиий-руҳий хусусиятларини яхши билмасликлари туфайли юзага келади.

Тиббий-биологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, аёллар бош миясининг айрим қисм ҳужайралари эркакларга нисбатан 11 фоизга кўп. Бундан ташқари, аёллар бош миясининг ярим шарлари орасидаги боғланиш ҳам мукаммаллиги билан ажралиб туради. Улардаги мия ярим шарларининг чап томони фикрлаш ва сўзлашишни, ўнг томони эса ҳис-ҳаяжон, интуиция (юракдан пайқаш)ни бошқаради.

Эркаклар бош миясининг чап томонида (таҳлилий фикрлаш) кўпроқ ривожланган бўлса, аёллар бош миясининг ҳар икки томони фикрлашда қатнашади. Шунга кўра аёллар эмоционал (ҳис-ҳаяжонли) фикрлайдилар, ташқи муҳит таъсирини тез ва кенг тасаввур қиладилар ҳамда тез эмоционал жавоб қайтариш имконига эгадирлар.

Хулоса шуки, ўзаро муносабатларда, турмушни ташкил этишда аёллар руҳий дунёсининг бу хусусиятларини эътиборга олмоқ лозим. Уларнинг фикр-қарашлари кундалик турмуш учун ўта муҳимдир.

Аёллар эркакларнинг асаб ҳужайралари мўртлигини, уларнинг ташқи руҳий таъсирлардан ҳимоясизлигини ҳисобга олган ҳолда муомалада бўлмоқлари зарур.

Ҳозирги бозор муносабатлари шаклланган шароитида кўп оилаларда аёллар амалда бошлиқ бўлиб қолаётир, эркакларнинг эрлик ва оталик мавқеи заифлашиб қолгандай кўринади. Бу жараён эркаклар учун изтиробли кечмоқда. Шу сабабли эркаклар ўз яқинлари — рафиқаси, фарзандларининг маънавий-руҳий мададига муҳтожлик сезади. Бунинг учун аёллар эрларини аввалгидек оила бошлиғи деб қараб, фарзандлар олдида иззат-ҳурматини ўрнига қўйиб борса, уларнинг эрлик, эркаклик шаънини зинҳор камситмаса, бас. Бу саховатнинг мукофоти бебаҳодир. Оила аҳиллиги фарзандларнинг меҳр-муҳаббати, ҳурмати, ўғил-қизларнинг яхши тарбиясида муҳим омил ҳисобланади. Оилавий бахтнинг бутунлиги шунда билинади.

Ўринбой ТОШТЕМИРОВ,
Рашидхон ШУКУРОВ,
Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчилари.

Китобингизни ўқидим

КЕКСАЛИК ҲАММАГА НАСИБ ЭТСИН

Ижодкорнинг ёзган асарига қараб, унинг ўзига баҳо берса бўлади, дейишади. «Кексалик, маънавий мерос ва ижтимоий ҳимоя» номли рисола билан танишганимда, аввало, унинг муаллифи ҳақида бир оғиз сўз айтгим келди.

Гап шундаки, олий ўқув юртини битириб, илмий иш олиб боришни ният қилганда, Шоҳидахон Содиқованинг кўз олдида дастлаб кекса ота-онаси гавдаланди. Сабаби, у волидаи муҳтарамаси, падари бузрукворининг берган тарбияси ила ўқиди, оилали, олий маълумотли бўлди. Буларнинг миннатдорлиги сифатида Шоҳидахон илмий ишга қўл ураркан, мамлакатимизда ҳали кенг миқёсда ўрганилмаган, илмий тадқиқ қилинмаган геронтология — кексалик ҳақидаги фанни атрофлича ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ва шу мавзуни ўз илмий ишига асос қилиб олди.

Шу тариқа бўлажак олиманинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Академия» нашриётида «Геронтология: талқин ва ёндашувлар» ҳамда «Кексалик, маънавий мерос ва ижтимоий ҳимоя» номли рисолалари чоп этилди. Муаллиф дастлабки китобида геронтологиянинг қандай фан эканлиги, унинг тадрижий тараққиёти ва истиқболлари, қарияларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг нуфузини ошириш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида ўқувчига кенг ва атрофлича маълумот беришга интилди.

Кейинги рисоласида эса Шоҳидахон ўзига хос хусусиятларга эга ижтимоий-демографик гуруҳ ҳисобланган қарияларнинг авлодлар ўртасидаги ворисликни таъминлашдаги, жамият ва оилада тутган муҳим ўрни ҳақида мулоҳаза юритади. Муаллиф шундай ёзади: «Инсон табиатнинг энг олий неъмати, бетакрор хилқатидир. Инсон туғилади, парваришга муҳтож бўлади, ота-онаси, яқинлари уни тарбиялаб, оёққа турғазади, авлодини давом эттиради, фарзандлар тарбиялайди, кексайиб, яна энг яқин кишилари ёрдамига муҳтож бўлади. Одамлар ҳаётий босқичларининг мўътадил кечиши учун жамият ва оилада замин тайёрлайди... Агар кекса авлодга муносабатда миллий ва умуминсоний тамойилларга асосланмасак, авлодлар ўртасидаги ворисликни таъминлай олмаймиз».

Рисолада нафақахўрлар фаолияти, қариялар турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг оила, маҳалла-кўйдаги ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган. Буларни шунчаки мулоҳазалар эмас, балки ижодкорнинг ўткир илмий назари, кенг мушоҳадаси, ҳаётий тажрибаси меваси дейиш мумкин. Қолаверса, бу китобларнинг кексалар, қарияларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш асосий ўрин эгаллаган Ижтимоий ҳимоя йилида чоп этилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Зеро, катталарни ҳурматлаб, эъзозлаб, уларнинг панд-насиҳатларига амал қилиб, ўгитидан, донолик билан йўғрилган маслаҳатларидан, намунали ҳаётидан ўзи ўрнак ололган одамгина ана шуларни илмий асослаб бериши ва китоб ҳолида ўқувчиларига тақдим эта олиши мумкин эди.

Ҳамиша ота-онасининг дуосида бўлган, улар иззатини ҳаётда ҳам жойига қўя олган Шоҳидахон Содиқованинг рисолаларини бир варақлаб кўрсангиз, бунга амин бўласиз...

Умида ФАЙЗИЕВА.

Тадбир

Талабалар меросимизни ўрганишмоқда

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси Талабалар шаҳарчаси ҳокимияти ва "Ёш куч" журнали таҳририяти билан ҳамкорликда Тошкент давлат молия институти ва бошқа олий ўқув юртлари талабалари иштирокида "Миллий мерос ва ёшлар маънавияти" мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Унда сўзга чиққан "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси раиси Амирқул Каримов, "Ёш куч" журнали масъул котиби Беҳзод Абдуназаров, журналист Арофат Ортиқовалар миллий маданий ва тарихий меросимизни асраб-авайлашда ёшларнинг вазифалари муҳим эканлиги ҳақида сўзлашди. Миллий маданиятимизда сўз санъатининг, хусусан, адабиёт ва шеъриятнинг ўрни алоҳида эканлиги ҳақида фикр юритишди.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Қадрият

МУЗЕЙДА «МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАЛАРИ» БЎЛИМИ

Қизилтепа туман ўлкашунослик музейи ташкил этилганлигига 25 йилдан ошди. Рамзий маънода тепалик шаклида қурилган бино устида Она ҳайкали қад ростлаган. Музейда "Мустақиллик солномалари" бўлими бўлиб, ундан давлатимиз рамзлари ўрин олган. Шунингдек, фахрий меҳмонлар, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари ҳақида ҳикоя қилувчи бўлимларда ҳам бир-биридан қизиқарли маълумотлар бор.

"Эрамиздан олдинги давр", "Тарих солномалари", "Уйғониш даври", "Ўлка ўтмиши", "Миллий кийимлар", "Туман фидойилари", "Оловли йиллар хотираси", "Туман юксалишда", "Ўтмиш ва бугун" бўлимлари экспонатлари билан танишар экансиз, қалбингизда юрт ўтмиши, ватандошларимизга нисбатан эъзоз туйғулари уйғонади. "Қизилтепалик ижодкорлар" бўлими Тожи Қораев, Душан Файзий, Тошпўлат Ҳамид, Ойдин Ҳожиева, Жаҳонгир Исмоилов ва яна кўплаб шу юртда туғилиб, вояга етган ҳурматли инсонлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Ҳар йили музейга 10 мингдан ортиқ киши ташриф буюради. Айниқса, бу даргоҳ туман марказидаги қишлоқ хўжалиги ва "Тавоис" коллежлари, мактаб ўқувчиларининг севимли масканига айланган.

— Бизда ҳунармандлар, зардўз чеварлар, усталар кўп, улар меҳнатини, ясаган ноёб нарсаларини кўрсатувчи замонавий кўргазмалар ташкил қилсак, музейимиз таъмирланишига мутасадди идоралар ёрдам беришса, айни муддао бўларди, — дейди музей директори Истам Ҳасанов. — Ўйлаймизки, ҳар соҳада етакчиликни қўлдан бермай келаётган туман фидойилари бундай эзгу масалаларни ҳал қилишга бел боғлашларига ишонса бўлади.

Дилдора ЭСОНОВА.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.
Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH
Миллий тикланиш — миллат келажаги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 423.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 1934
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2 3 4 5 6

Босишга топширилди 21.00